

Дунёда шаҳарлар кўп - Рим, Лондон, Москва, Истанбул, Техрон, Мадрид, Душанбе, Нью-Йорк, Тошкент... Уларнинг рўйхатини яна анча давом эттириш мумкин. Бу шаҳарларга турли хил маъноларни англатувчи таърифлар берилган. Рим - модалар шаҳри, Лондон - туманлар шаҳри, Париж - гўзаллар шаҳри, Лиссабон - денгизчилар шаҳри... Ватанимиз пойтахти Тошкентни эса нон шаҳри ёки деворлар куршовидаги шаҳар дея эътироф этишади.

Тошкент кадимий тарихга эга бўлиб, у ўтган давр мобайнида кўпдан-кўп босқинчилик ва шафқатсизликларни бошидан кечирди. Шу сабабдан шаҳар халқи озодлик ва мустақиллик йўлида узок йиллар қахрамонона кураш олиб борди. Тошкент кулай географик ўринда жойлашганлиги боис доим ўзга давлатларнинг эътиборини ўзига тортди келган. Шаҳар ташқи душманлардан сакланиш учун ўша даврлардаёқ девор билан ўраб олинган эди. Тарихий маълумотларга кўра, 19 асрдаёқ Тошкент уч қатор айланма девор билан қўшаб олинган.

Хусниддин Нурмухаммедовнинг «Тошкентнинг кадимки дарвозалари» деб номланган асарида Тошкент девори ҳақида қуйидаги маълумотлар келтириб ўтилган: «18 асрнинг охирида шаҳар мудофаа деворининг баландлиги салкам 8 метр, тепа қисмининг кенглиги 2 метргача бўлган. Девор айланасининг узунлиги 18,2 км., шаҳарнинг умумий майдони эса 26,4 кв. км.ни ташкил этган».

Тўхтовсиз урушлар натижасида шаҳар девори ярқисар холга келиб, қайта қуришни талаб қилгани боис XIX асрнинг ўрталарида Тошкент шаҳрининг беқлар беги шаҳар деворини қайтадан таъмирлатади. Бу вақтда девор баландлиги 10 метрдан ошиб, деворнинг юқори қисмида душманга ўқ отиш учун қўллаб-қувватлар очилган эди. Шаҳар мудофаа деворининг 12 та дарвозаси (Тахтапул, Лабзак, Қашқар, Қўқон, Қўймақ, Беш-ёғоч, Қамолон, Самарқанд, Қўқча, Қизилқўм, Қорасарой) ва иккита қўф-қаси (яъни, 1 нафар отлик қириб қиладиган тўйнуқчаси) бўлган.

Бу 12 дарвозанинг ҳаммаси қатта йўл устида қурилган бўлиб, дарвозалар мустаҳкам, қаттиқ ёғоч - тоғ арчасидан ясалган ва уст томонига нақшинкор безаклар берилган. Ҳар бир дарвозада жуфт халқалар ва қалитлар бўлган. Қалитлар дарвозабонлар қўлида сакланган. Дарвозабонлар дарвозани тоғда очиб, қўёш ботганда берқитганлар. Дарвоза ёпилгандан сўнг, уни очишга ҳеч қимнинг ҳаққи бўлмаган. Қалитгина шаҳар ҳокимининг ўта зарур қармоғи бўлгандагина дарвозани очишга рухсат берилган. Дарвозадан ичкарига қирганда узун йўлак бўлиб, унинг икки томонида ҳужралар жойлашган. Ҳужраларнинг бири овқатланиш жойи бўлса, иккинчиси дам олиш хонаси бўлган. Дарвозабонлар вақти-вақти билан алмашиб навбатчилик қилганлар. Шаҳарнинг ўн икки дарвозаси ортида ҳаёт қизғин давом этган.

Маълумотларга кўра, шаҳарда бодқорчилик яхши ривожланган. Бу ерда ёнғоқ, олма, нок, шафтоли, узум етиштирилган. Шафтолининг шундай бир машҳур нави бўлганки, унинг бир донасидан бир пиёла шарбат қиккан. Ёнғоқнинг, айникса, қалғир деб номланган нави кўп бўлиб, унинг мағзи қўриқиб турган. Тошкент ўзининг ажойиб манзараси ва гуллари

билан ҳам ажралиб турган. Гуллар орасида, айникса, Тошкент лоласи машхурдир. Лоланинг бу нави саккиз, ўн икки япрокли бўлиб, улар бир-бирига ўхшамайдиган турли ранглар билан копланган.

Тарихчи Хамид Зиёевнинг «Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгуси» асарида 1741 йили Тошкентга келган татар савдогари Шубай Арслоновнинг Тошкент хақидаги маълумотлари келтирилиб, шаҳарнинг ўша даврдаги таш-ки ва ички манзараси ку-йидагича тасвирланади: «Тошкент шаҳри калин пахса девор ва зовурлар билан ўраб олинган. Шаҳар катталиги жихатидан Козон шаҳрига тенг келади. Унинг ўн икки дарвозаси бор. Бу ерда иморатлар тартибсиз холда пахса девор билан қурилган. Шаҳарда бог ва масжидлар кўп. Катта масжидларда кўпчилик бўлиб намоз ўқиганлар. Дарвозалар олдида алоҳида миршаблар туради. Уларда тўп йўк, узокка отадиган милтиклар бор. Бундай милтиклар Тошкентда ясалади. Шаҳарни ўн икки кишидан ташкил топган кенгаш бошқарган. Хукумат қароргоҳи Кўкча дарвозаси ёнидаги қалъада иш юритади. Тошкентдан Туркистонгача бўлган йўлни юк қарвони олти кунда босиб ўтган. Иргиз дарёсидан Уфагача уч кун, Бухорогача ўн кун, Балхга йигирма кун, Бадахшонгача ўн беш кун юрилган».

1865 йил 16 июнда чор Россияси кўшинлари шаҳарни босиб олгандан сўнг, ўн икки дарвозанинг рамзий олтин қалитларини генерал Черняев 1865 йилда Петербургдаги ҳарбий музейга топширган. Қалитлар 1933 йил 14 июнда Ўзбекистонга олиб келиниб, Ўзбекистоннинг Москвадаги доимий вакили Муҳиддин Турсунхўжаев томонидан қабул қилинган ва улар ёдгорликларни сақлаш қўмитасининг раиси Низомиддин Хўжаевга топширилган. Бу ҳақдаги далолатнома Ўзбекистон -халқлари тарихи музейида сақланмоқда. Низомиддин Хўжаев ташаббуси билан қалитлар устида текширувлар ўтказилганда, тахмин қилинганидек, қумушдан ясалиб, устига олтин суви юритилган бўлмай, балки соф олтиндан ясалганлиги аниқланган. Ҳозирда бу қалитларнинг ўн биттаси Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида сақланаётган бўлса, биттаси Ўзбекистон халқлари тарихи музейида кўргазмага қўйилган. Бу қалитларнинг ҳар бирида ясалган вақти (ҳижрий 1282 йил) ва дарвозалар номи ёзиб қўйилган.

Шуниси эътиборга молики, барча дарвозаларнинг чиқаверишида қабристонлар бўлиб, уларнинг аксарияти ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Баъзиларидан бугунги кунда ҳозир ҳам фойдаланилади. Бу қабристонларга шаҳар мудофаасида қахрамонона қураш олиб борган юртнинг мард ўғлонлари дафн этилган.

Наргиза Убайдуллаева